

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 17 апрель, № 74 (5494) Сешанба

Фарғона:

## Бунёдкорлик ва янгиланиш саодати



*Юртимиз табиати гўзал, иқлими бетакрор, замини саховатли. Халқимизнинг меҳмондўстлигию очиққўнгиллиги эътибор ва эътирофга тушган. Истиқлол йилларида барпо этилаётган муҳташам иморатлар, равон йўлу кўприклар, обод хиёбон ва гузарлар, намунавий турар-жойлар, замонавий маҳаллалар — барча-барчаси кўрган кишини маҳлиё этади.*

Обод манзиллар






Юртни обод қилиш иштиёқи хонадонлар, қишлоқ ва овуллар, шаҳару кентлардан бошланиб, мамлакат миқёсидаги хайрли ташаббусларга айланмоқда. Шу боис Ватанимизга хорижлик сайёҳу меҳмонлар ҳавас қилиб талпинишади.

Водий гавҳари — Фарғона ҳам сўнгги йигирма йил ичида буткул янгича қиёфага эга бўлди. Чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун барча қулайликлар яратилди. Айни пайтда вилоят маркази тубдан реконструкция қилиниб, янгича чирой касб этмоқда.

Аслида Фарғона — навқирон шаҳар. Ушбу кент истиқлол йилларида эзгуликлар маскани, мамлакатимизнинг энг тароватли гўшаларидан бири бўлиб — водий гавҳари сифатида довруқ топмоқда. Хусусан, Юртбошимиз ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида вилоят марказини янада обод қилиш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берганди. Шундан сўнг кўп ўтмай, яъни 2011 йилнинг 15 ноябрида давлатимиз раҳбарининг “2012 — 2015 йиллар даврига Фарғона шаҳрининг асосий режасини амалга ошириш ҳамда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфраструктурасини қайта қуриш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

*Сардоба туманида Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб этиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

## Президент асари ўрганилмоқда

Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Гулистон давлат университети ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуманда талаба-ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг мазкур асари мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги тарихий курашлар ва аниқ воқеликларни ўзида жамлаган ноёб манба эканлигини таъкидладилар. Қолаверса, ушбу китоб ёшлар тарбиясида катта аҳамият касб этиши, уни ўқиб-ўрганган ҳар бир ўғил-қиз қалбида истиқлолимизни асраб-авайлаш, бугунги фараҳбахш кунлар қадрига етиш, юртга садоқат ва фидойилик каби эзгу хислатлар камол топиши қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, анжуманда Юртбошимизнинг мазкур асари мазмун-моҳиятини жойларда барча аҳоли қатламларига етказиш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб олинди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

*“SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари” уюшмасининг пойтахтимиздаги филиалида “Оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар камоли” мавзуидаги навбатдаги лойиҳанинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.*

## Оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар камоли

Ҳамкорлик ва институционал ривожланиш дастури (IBPP) доирасида Европа иттифоқи томонидан молияланаётган ушбу лойиҳа ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳамда болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини ошириш, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, имконияти чекланганлар ва муайян сабаблар туфайли ота-онасиз вояга етаётган болаларни манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрда қабул қилинган қарорига мувофиқ “SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари” уюшмасининг ташкил этилгани баркамол авлодни тарбиялаш, болаликдан етим қолган ва ота-она қаровидан маҳрум бўлиш хавфи бор болалар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш имконини бераётир.

Бола фақат оиладагина соғлом ва ҳар томонлама ривожланади. Оила бола шахси, унинг ижтимоийлашуви, қадриятлар, эҳтиёж ва манфаатларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Боланинг ривожланиши оила ўз вазифаларини қанчалик самарали бажараётгани ва унинг эҳтиёжларини қондиришига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли “SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари” уюшмаси ўз олдига қўяётган вазифа — болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада тарбия олиш ҳуқуқини амалга ошириш, эртанги кунга бўлган ишончини, мустақиллиги ва ўзини намоён қилиш туйғусини шакллантириш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият яратишдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

Ярмарка

*Вилоятларда ташкил этилаётган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, янги лойиҳаларни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлашда ўзига хос тажриба мактабини ўтамоқда.*

## Саноатимиз салоҳиятининг намойиши

Термиз шаҳрида ташкил этилган ана шундай тадбирда 122 та корхонанинг 300 дан зиёд маҳсулотини кўздан кечирган иштирокчилар юқоридагидек хулосага келишди.

“Музработ трикотажи” масъулияти чекланган жамияти “Савдогарбанк”нинг вилоят бўлимидан ажратилган 100 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига хориждан 34 та тикув машинасини келтириб, 32 нафар қишлоқ аёлини тикувчилик ва дизайнерликка ўқитган эди. Бугунги кунда улар тикаётган катталар ва болалар кийим-кечаклари аллақачон эл назарига тушган. Хусусан, “Баркамол авлод — 2011” мусобақаларида қатнашган бир қатор жамоалар спорт либосларини айнан чекка қишлоқда жойлашган мазкур корхонадан харид қилганлар.

— Жорий йилги ярмарка давомида тайёр маҳсулотлар етказиб бериш бўйича олтита йирик ташкилот билан умумий қиймати 100 миллион сўмлик аҳдлашувга эришдик, — дейди корхона раҳбари Элмурод Жумаев. — Бу келгусида қувватлардан янада самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис банкнинг 150 миллион сўмлик кредити эвазига яна хориждан 8 та замонавий тикув машинаси харид қилишни мўлжаллаяпмиз.

“Бойсун тўда гул” хусусий корхонаси эса саноат ярмаркасида биринчи марта қатнашмоқда. Тоғли туманнинг узоқ Инкаобод қишлоғида жойлашган ушбу корхонада жун қайта ишланиб, гилам, кўрпа, бешик тўшамалари ва сўзаналар тайёрланади. Шунданми, бу маҳсулотларга нафақат ярмарка иштирокчилари, балки хорижлик меҳмонларнинг ҳам қизиқиши катта бўлаётир.

Корхона раҳбари Гулчеҳра Бекназарованинг айтишича, тадбир асносида 20 га яқин шартнома имзоланган.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Сурхондарё вилоятида 30 дан ортиқ йирик саноат корхонаси ишлаб турибди. Ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштириш, машинасозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, енгил саноатни ривожлантириш, 102 та янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига ўтган йили бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 107,7 фоизга ўсди. Бундан ташқари, етиштирилаётган пилланинг ҳаммаси, пахта толасининг 10 фоизга яқини воҳанинг ўзида қайта ишланмоқда. Тадбир доирасида ташкил этилган янги маҳсулотлар ва лойиҳалар тақдимотида шуларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мустаҳкам оила йилида эса, вилоят ҳудудий инвестиция дастурига кўра, умумий қиймати 45,4 миллион АҚШ долларилик ҳамда 150 миллиард сўмлик 247 та лойиҳа амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Япония:

## Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

*Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонасида тантанали кеча бўлиб ўтди. Япониянинг “JOMO” уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Кунчиқар мамлакат парламенти аъзолари, Гунма префектурасининг эксперт-таҳлил, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

Биз ва жаҳон

Тадбир чоғида иштирокчилар ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўртасида сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятлар билан атрофлича танишдилар.

Тантанали маросим доирасида Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси доирасидаги янги сармоявий имкониятлар, ўзбек халқининг бой маданий ва тарихий мероси, мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам маросим қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан **Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институтининг ижрочи директори Тецужи Танака** меҳмонларни дипломатия муносабатларининг 20 йиллиги ҳамда инсонпарварлик, поклик, гўзаллик, олижаноблик каби умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан табриклади. Жорий йил февралда Тошкентда бўлиб ўтган таълим бўйича халқаро конференциядаги иштироки хусусида тўхталар экан, Т. Танака юртимизда янги авлодни тарбиялаш ва уларга бугунги давр талаблари даражасида таълим бериш борасида олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотларнинг шахсан шоҳиди бўлганини қайд этди. Шу нуқтаи назардан жамиятни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, ҳар бир оила фаровонлигини ошириш ҳамда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштиришда мамлакатимизда эълон қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг ижроси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Кўргазма

*Урганч шаҳрида ҳудудий “Минитехнологиялар кўргазмаси” бўлиб ўтди.*

## Илғор минитехнологиялар

Замонавий ҳамда тежамкор минитехнологияларни олиб келиш, шу билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда 15 дан ортиқ корхона ва ташкилот, 10 дан зиёд тижорат банклари ҳамда 2 та лизинг компанияси ўз хизматлари ва маҳсулотларини намойиш қилдилар. Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмдан 400 нафарга яқин тадбиркорлар қатнашди.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда вилоятдан 52 нафар тадбиркор Хитойда ўтказилаётган халқаро кўргазмада қатнашмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар ҳам ҳудудга минитехнологияларни кўпроқ жалб этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Барқарор банк тизими

**қулай ишбилармонлик муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда**

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида банк-молия соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида бугун мамлакатимиз банк тизими барқарор фаолият олиб бормоқда. Бунинг яққол далилини сўнгги икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан “барқарор” рейтинг даражаси берилаётгани ва шундай баҳога сазовор бўлаётган банкларимиз сони ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.*

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” маърузасида 2011 йилда депозитларга 2010 йилдагига нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани алоҳида таъкидланди.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортиб, банклар қўйилмаларининг 75 фоиздан кўпроғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажми 7 баробар ошгани алоҳида эътиборлидир.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2011 йилнинг якунлари бўйича мамлакатимизнинг барча минтақаларида сўров ўтказилди. Сўровда банк-молия тизими ҳақида жамоатчилик фикри ўрганилиб, соҳага оид муҳим натижалар қайд этилди. Мамлакатимиз тараққиётида банк тизимининг алоҳида ўрни борлигини иштирок этган респондентларнинг деярли барчаси алоҳида эътироф этдилар. Банк тизими ҳақида фикр билдирганларнинг аксарият қисми мамлакатимиз банкларининг бугунги фаолияти бўйича “юқори” баҳони кўрсатган.

Социологик сўровда тижорат банкларида тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган молиявий кўмак, яратилган шарт-шароит, аҳоли омонатлари бўйича таклиф этилаётган хизматларининг кенг қамровли экани, тижорат банклари томонидан мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида замонавий технологиялар асосида юқори даражада хизмат кўрсатилаётгани, банклар томонидан кенг кўламдаги маслаҳат бериш ва масаланинг ечимида яқиндан ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилаётгани респондентлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, ўтказилган сўровда бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича белгиланган барча чора-тадбирларга амал қилинган ҳолда юқори даражада хизмат кўрсатилаётгани, мижоз талаблари ўз вақтида бажарилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, иқтисодиётни барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида берилган саволларга сўровда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги банк кредитлари бугунги кунда тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этган.

Сўров натижалари таҳлили, мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилгани, банк кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесини ташкил этаётган ёки кенгайтираётган тадбиркорлар сафининг кенгайиб бораётганини кўрсатди. Бинобарин, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганини, жумладан, 2011 йилда банклар томонидан соҳага ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, қарийб 4,1 триллион сўмни ташкил этгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

## Фарғона:

# Бунёдкорлик ва янгиланиш саодати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу ҳаётбахш ҳужжатга мувофиқ, бугун Фарғонада улкан бунёдкорлик юмушлари бошланиб кетган. Шаҳар аҳли астойдил бел боғлаб, мазкур хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дарвоқе, Президентимиз бундан икки йил муқаддам Фарғона вилоятида бўлганларида, шаҳарнинг қоқ марказида бир асрдан буён ҳавони ифлослантириб келаётган ёғ-мой заводи ўз ўрнини топгани, деган саволни ўртага ташлаган эди. Қисқа вақт ичида мазкур корхона саноат ҳудудига кўчирилди. Энди унинг ўрнида 26 гектар майдонни эгаллаган, минг ўринли "Санъат саройи", 500 томошабинга мўлжалланган амфитеатр ва Марғилонсой соҳилларига туташиб кетадиган оромгоҳ бунёд этилади. Шунингдек, бир қатор кўчалар, дам олиш ҳудудлари, ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли турар жойларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан сўнг шаҳар янада гўзаллашади.

Айтиш жоизки, Дастур доирасида Фарғона шаҳрида 2012 — 2015 йилларда жами 1,3 триллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, ҳозир бу борада амалий саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, шу кунга қадар Офицерлар уйи, вилоят театри бинолари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Қисқа вақт — уч ой давомида шаҳарнинг 16 километрлик Кичик ҳалқа йўлида тупроқ ишлари ниҳоясига етказилди. Энди навбат асфальт ётқизиш, йўл четлари инфратузилмасини бунёд этиш юмушларига. Шунингдек, айни пайтда бир қатор мактаб, коллеж, боғча, тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ишлари ҳам қизғин олиб борилаяпти. Марғилонсой устига қурилган 12 та кўприк реконструкция қилиниб, атрофи ободонлаштирилмоқда. 2 та кўприк эса янгидан бунёд этилаётир. Қўқон йўналиши бўйича хизмат кўрсатувчи "Ёрмозор" автовокзали, Алишер Навоий кўчасида мусиқий фаввора фойдаланишга топширилиши, Навоий ва Оқариқ кўчалари туташган манзилда хиёбон барпо этилиши, Аҳмад Фарғоний боғи реконструкция қилиниши, 29 та кўп қаватли уй-жой ва савдо мажмуалари қурилиши билан шаҳар янада чирой очиши, шубҳасиз.







Шунингдек, яқин истиқболда Паҳлавон Маҳмуд ва Ёшлик кўчалари оралиғидаги "Савдо мажмуаси"нинг иккинчи босқичи қурилиши ниҳоясига етади. Бурҳониддин Марғиноний кўчасида "Болалар дунёси" савдо мажмуаси каби иншоотлар бунёд этилади...

— Кўз кўриб, дил қувонадиган бундай йирик ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қисқа вақтда амалга оширилишида, энг аввало, фуқароларимизнинг азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши раҳбари Шерзод Раҳимов. — Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ободлик кўнгилдан бошланади. Шундан келиб чиқиб, яқинда "Камолот" ЁИҲ кенгаши йиғилишида вилоятимиз ёшларига қарата мурожаат қабул қилдик. Бу эзгу ташаббусни фарғоналик йигит-қизлар қизғин қўллаб-қувватлашмоқда.

— Муҳтарам Президентимизнинг "Фарғона вилоятини ҳар томонлама тараққий эттириш, бу юртни янада обод қилиш, одамларимиз учун муносиб шароит яратиб бериш — бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимизнинг эътибор марказида бўлади" деган сўзлари барчамизни хайрли мақсадлар сари қатъият билан интилишга чорлаяпти, — дейди ёш ижодкор Нодира Қодирова. — Бу юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасидир. Бунга жавобан ҳар биримиз енг шимариб бунёдкорлик ишларига киришмоқдамиз.

Дарҳақиқат, бугун Фарғонани улкан қурилишлар майдонига қиёслаш мумкин. Юртбошимиз ташаббуси билан олиб борилаётган бундай кенг кўламли ҳаракатга каттаю кичик ўзини дахлдор билиб, ташаббус кўрсатмоқда. Зеро, барчанинг мақсади муштарак: Фарғонани энг кўркам, энг тараққий этган шаҳарга айлантириш.

**Набижон СОБИРОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар).**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан чиқиндиларни қайта ишлаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўлларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари қатнашди.*

# Атроф-муҳит мусаффолиги ва қонунчилик

Тадбирда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий пойдевор яратилган.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳаларини равнақ топтириш йўлида соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш учун кенг имкониятлар берилди. Бугунги кунда ҳудудларда илғор инновациялар билан модернизация қилинган, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган корхоналар сони ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир. Натижада атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдорини 2,1, оқова сувлар чиқарилишини эса 2 мартага камайтиришга эришилди. Буларнинг барчаси халқаро миқёсда ҳам эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, юртимизда Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишларга нуфузли ташкилотлар ва экспертлар томонидан юқори баҳо берилмоқда. Шубҳасиз, бу борада "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши катта аҳамият касб этди.

Йиғилишда, шунингдек, айни пайтда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларига хавф туғдираётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўлида чиқиндиларни самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш долзарб эканлиги айтиб ўтилди.

Соҳадаги чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда чиқиндиларни қайта ишлашни ривожлантириш, модернизация жараёнларини жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир, албатта. Буларга, ўз навбатида, замонавий чиқитсиз ва камчиқитли технологияларни кенг жорий қилиш, ушбу йўналишда фаолият юритаётган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун шарт-шароит ҳамда имтиёзларни кенгайтириш асосида эришилади.

— Чиқиндилар соҳасида ҳуқуқий базани замон талабларидан келиб чиқиб ривожлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди қўмита аъзоси Т. Тошбоев. — Зеро, чиқиндиларни тўплаш, турларга ажратиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш, улардан қайта фойдаланишга қаратилган самарали инфратузилмани такомиллаштириш ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам экологик жиҳатдан айни муддаодир.

Шу асосда ижро механизмининг мустаҳкамланиши эса ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилар миқдорини қуйи даражага тушириш, улардан хўжалик фаолиятида қайта фойдаланиш, салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилади. Ўз навбатида, атроф-муҳит хавфсизлиги таъминланиб, табиий ресурслар тежалади. Энг муҳими, булар аҳоли соғлиғи ва генофондини асраб-авайлаш, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида салмоқли роль ўйнайди.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масала бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

---

## Ўзбекистон — Япония:

# Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси, Цукуба университети профессори Кончи Обата** Ўзбекистон халқи каби японлар ҳам оила фаровонлигининг аҳамиятига катта эътибор қаратишини айтди.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатидаги иш тажрибасига таянган ҳолда, К. Обата Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатдаги нуқтаи назари тўғрилигини ҳамда юртимизнинг халқаро хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Унинг айтишича, Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик Япония ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

К. Обата ўзбек халқини мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги билан табриклар экан, ўзаро дўстона муносабатлар ва маданий алоқалар бундан кейин янада ривож топажагига умид билдирди.

**Чуо университети президентининг маслаҳатчиси ва ижрочи директори Мамору Окида** фикр билдирганидек, Ўзбекистонда жамият асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оиланинг жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик мавзуига тўхталар экан, М. Окида халқларимизнинг дўстона муносабатлари тарихи Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалишини қайд этди. Ўзаро "алоқалар тобора ривожланиб келаётгани асносида улар тадрижий равишда стратегик ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилаётганини" айтди.

**Гунма префектураси ҳукуматининг сайёҳликка кўмаклашиш маркази бош директори Нобуо Миядзаки** таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўзининг бетакрор қадамжолари билан ҳам дунёга машҳур бўлиб, мамлакатимиз бағрида 4 мингдан ортиқ тарихий ва маданий осориатиқалар жойлашгани ҳамда кўпгина тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани хусусида атрофлича тўхталди. "Бундай кўҳна ва бетакрор мероснинг мавжудлиги хорижлик сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда", деди у.

Ўзбекистон халқига катта муваффақиятлар тилаган ҳолда, Н. Миядзаки ўзбек халқининг маданияти, тарихи ва анъаналари билан яқиндан танишиш, республикамиз сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимизга сафар уюштириш истагида эканини маълум қилди.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

---

# Барқарор банк тизими

## қулай ишбилармонлик муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Банклар томонидан ўз ишини бошлаётган тадбиркорларга микрокредитлар ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мамлакатимизда минглаб тадбиркорларнинг кичик кредитлардан фойдаланган ҳолда ўз ишини очиб, бугун кўпчиликка ўрнак бўладиган йирик тадбиркорга айланишига хизмат қилмоқда. Мазкур сўровда ҳам тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилганини респондентларнинг 92,5 фоизи эътироф этган.

Мамлакатимизда ёшларнинг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бугун устувор вазифалардандир. Бу борада банк тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини аниқлаш мақсадида берилган саволларга, сўровда иштирок этган респондентлар 2011 йил мобайнида тижорат банклари томонидан касб-ҳунар колежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидладилар.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласи банкларнинг доимий эътиборида. Хусусан, 2011 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 25,6 миллиард сўм ёки 2010 йилга нисбатан 3,2 баробар кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилган.

Мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оиладаги, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бу йўналишдаги энг муҳим вазифалардандир.

Сўровда иштирок этган респондентлар томонидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш учун тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда олиб борилаётган ишлар ижобий баҳоланган. Тадбиркор аёллар учун кредитлар ажратиш масаласига тижорат банкларида алоҳида эътибор қаратилаётганини респондентларнинг 88,3 фоизи алоҳида таъкидлаган.

Тадбиркор аёлларга молиявий кўмак беришни кенгайтириш борасида 2011 йил давомида кўрилган чоралар натижасида аёллар тадбиркорлиги учун тижорат банклари томонидан 335,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар ўсган.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уй меҳнатини енгиллаштириш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш мақсадида уларга кредитлар беришни кенгайтиришга оид чора-тадбирлар белгиланган. оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг жамиятда мавқеи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Давлат дастурига мувофиқ, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб этиш учун тижорат банклари томонидан жорий йилда 365 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилиши белгиланган. Бу хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ кўплаб лойиҳалари рўёбга чиқишига, уларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда жамият тараққиётидаги иштироки янада кенгайишига хизмат қилади.

Сўровда банкларда мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини янада ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳам алоҳида эътироф этилди.

Бугунги кунда банк ходимларининг мижозларга муомала ва хизмат кўрсатиш маданияти муттасил ошаётгани, мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани, яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумотлар берилаётгани, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш натижасида мижозларга янада қулайликлар яратилаётгани сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми томонидан таъкидланди.

Тадбиркорлик субъектларининг банклардан кредит олиш мақсадларини ўрганиш натижаларига кўра, янги иш ўринлари яратиш, замонавий технологияларга асосланган ускуналар ўрнатиш, мавжуд бино ва иншоотларни талаблар даражасида реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, корхоналарни замонавий технологиялар асосида модернизациялаш каби йўналишлар устувор экани маълум бўлди.

Респондентларнинг билдирган ушбу фикрлари кредит олиш бўйича банкларга тақдим этилаётган лойиҳаларнинг ҳозирги кун талабларига тўла мос келишини кўрсатди.

Сўров иштирокчилари томонидан келгусида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланиши учун тижорат банклари ва уларнинг филиалларида тадбиркорларга амалий йўл-йўриқ бериш ишларини янада кучайтириш, кредит ажратиш жараёнида кредит таъминоти ва бошқа масалаларни ечишда яқиндан ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, жойларда ўтказиладиган амалий учрашувлар самарадорлигини ошириш ва бошқа қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги бўйича таклифлар айтилди.

Мазкур сўров натижалари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани натижасида бугун мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганини тасдиқлади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида**
**ЎзА мухбири Ҳ. БЕРДИЕВ тайёрлади.**

---

## Анжуман

*Тошкент давлат юридик институти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ушбу муассаса ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлаш: Концепцияда белгиланган устувор вазифалар" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.*

# Малакали кадрлар

## судьялар корпусини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга

Унда парламент қуйи палатаси аъзолари, суд, адлия ва прокуратура идоралари ходимлари, соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятида ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади мужассамдир. Шу боис истиқлол йилларида юртимизда мустақил суд ҳокимияти шакллантирилди ҳамда судьяларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланиб, уларнинг суд ишларини мустақил ҳолда ҳал қилишларини кафолатловчи ҳуқуқий база яратилди. Судьялар корпусини шакллантириш ва судьялар мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ халқаро ҳуқуқнинг асосий принцип ва нормалари ҳам қонунчилигимизга имплементация қилинди.

— Судьялар корпусини шакллантириш ва уларнинг мустақиллигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси муҳим ўрин эгаллайди, — дейди Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси Жамолиддин Абдураҳмонхўжаев. — Мазкур комиссия томонидан судьяларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишнинг демократик асосини такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, судья кадрларни тарбиялаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқмоқда. Бу борадаги ишлар ошкоралигини таъминлаш, судьялар захирасини шакллантириш, уларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш ҳам ушбу комиссиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Конференцияда Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳамда ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган муҳим вазифалар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Хусусан, бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифаларни самарали ҳал қилиш учун эса бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш, хусусан, суд-ҳуқуқ тизими қонунчилигини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Анжуманда судьялар корпусини шакллантиришда судьяликка номзодлар салоҳиятини аниқлашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, судьялар мустақиллигини таъминлашнинг халқаро стандартлари бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар камоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уюшма ушбу эзгу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, таълим хизматлари кўрсатишни кучайтириш, васийликдан чиқарилган болалар ва ота-онаси қаровидан маҳрум бўлиши мумкин болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни амалга оширмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойидан катта ташкилий-ҳуқуқий ишларни ўз ичига олган янги "Оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар камоли" дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу борада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан келишувларга эришилди, аниқ мақсадли гуруҳлар танланди.

Мазкур лойиҳанинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, лойиҳанинг бошқа ҳамкорлари қатнашди.

"SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари" уюшмаси директори Г. Обидова, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А. Каримов ва бошқалар Мустаҳкам оила йилида оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор янада кучайтирилганини таъкидлади. Ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу лойиҳа ҳам ана шундай вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

— "Оила мустаҳкамлиги ва фарзандлар камоли" лойиҳаси пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги тўртта маҳаллада икки йил давомида амалга оширилади, — дейди "SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари" уюшмасининг Оилаларни мустаҳкамлаш дастури менежери Нигора Сангинова. — Бунда камида 100 нафар катта ёшлилар ва 350 нафар болани қамраб олиш режалаштирилмоқда. Лойиҳа доирасида ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида фаолият кўрсатаётган ҳамкор ташкилотлар ходимлари, шунингдек, барча иштирокчи оилалар учун тренинглар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилади. Бундан ташқари, бевосита оилалар ва уларнинг ҳар бир аъзосига руҳий-социал, педагогик, ишга жойлашиш ва даромадини оширишда ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида "SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари" уюшмасининг Тошкентдаги филиалида ахборот-ресурс марказини ташкил этиш режалаштирилган. Унда оилаларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилади. Лойиҳа синаб кўрилаётган маҳаллаларнинг бирида оилаларга маслаҳатлар берилади, улар ишга жойлашиш масаласи бўйича ўз билимини оширади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Саноатимиз салоҳиятининг намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Биргина бизнинг корхонамизда 885 минг АҚШ доллари миқдорида модернизация юмушлари бажарилди, — дейди "Сурхонтекс" қўшма корхонаси раҳбари Ўроқ Ҳайдаров. — Натижада маҳсулотнинг сифати яхшиланиб, харидоргирлиги янада ортди.

Икки кун давом этган тадбирда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида 6 миллиард 215 миллион сўмлик 150 дан ортиқ шартномалар имзоланган бўлса, 30 дан зиёд маҳаллий корхоналар ўртасида кооперация алоқалари ўрнатилди. Шу билан бирга, унда Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган корхоналарнинг маҳсулотларини харидорларга изчил етказиб бериш учун жойларда "Савдо уйлари"ни кўпайтириш, экспорт тизимини янада такомиллаштириш, ички бозорда тадбиркорларга қулай шароитлар яратиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мезонларидан ҳисобланади. Бунинг натижасида одамлар эркин меҳнат қилиш, касб танлаш имконига эга бўлмоқда. Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, у ердаги ободликка, аҳоли ташаббуси билан рўёбга чиқарилаётган бунёдкорлик лойиҳалари самарасига гувоҳ бўласиз.*

*Рақобатбардош, замонавий, илғор технологиялар билан таъминланган корхоналар фаолиятини ташкил этиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, аҳоли даромадини муттасил ошириш, тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, умуман, мамлакат иқтисодиёти ривожига хизмат қиладиган лойиҳалар рўёбида молия муассасаларининг муносиб ҳиссаси бор. Банклар томонидан ажратилаётган маблағ ва кўрсатилаётган хизматлар айнан мижозлар манфаати доирасида шакллантирилганлиги туфайли нафақат молия-банк тизими, балки иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Республикамиздаги энг йирик ва универсал молия муассасаларидан бири — “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти бунга яққол мисолдир.*




# ФАОЛ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

## Молиявий барқарорлик – муваффақиятлар асоси

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган вазифалар “Агробанк” фаолиятида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб қилишни кенгайтириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 283,2 млрд. сўмга етиб, жорий йил бошидагига нисбатан 46,4 млрд. сўмга ёки 120 фоизга ошди.

Шунингдек, аҳоли депозитлари қолдиғи жорий йил бошидагига нисбатан 42 млрд. сўмга кўпайиб, 110 фоизга ўсди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 147 фоиз юқори деганидир. Бунинг ўзига хос омиллари бор, албатта. Аввало, жорий йилда жисмоний шахслар учун 6 та янги, 4 та миллий ва 2 та хорижий валютада омонат турлари жорий этилди. Мазкур янги омонатлар фуқароларга қулай муддат ва шартларда тақдим этилгани, уларни ишлаб чиқишда аҳолининг турли қатламлари эҳтиёжлари ҳисобга олинганлиги билан ажралиб туради. Бу эса, ўз навбатида, уларга аҳолининг қизиқиши ортишига сабаб бўлди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида банк ресурс базаси 1 трлн. 967 млрд. сўмдан ошди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 112 фоизга ўсди.

Эътиборлиси, банкда келтирилган ҳар бир йўналиш бўйича ўтган йилнинг шу давридагига ёки йил бошидаги кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада ўсишга эришилди.

## Иқтисодиётдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири саналади. “Агробанк”да мазкур секторни ривожлантириш, соҳада фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари, чорвачилик ёки паррандачилик билан шуғулланаётган ишбилармонларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига 620,6 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилгани шундан далолатдир. 2012 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла ҳосили етиштириш бўйича агротехник тадбирларни ўтказишга йўналтирилган имтиёзли кредитлар ҳажми 425,5 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга молиявий кўмак бериш, томонлар ўртасидаги дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини қисқартириш мақсадида мониторингга олинган вазирлик ва идоралар таркибидаги корхоналарга 166,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилиб, факторинг хизматлари кўрсатилди. Айниқса, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси, “Ўздонмаҳсулот” компанияси, “Ўзагромашсервис” уюшмаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятлари тизими корхоналарини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ажратилган кредитларнинг 119,6 млрд. сўми саноатга, 391,3 млрд. сўми қишлоқ хўжалигига, 65,3 млрд. сўми моддий-техник таъминотга, 27,1 млрд. сўми савдо ва умумий овқатланишга, 17,2 млрд. сўми қурилиш ҳамда бошқа соҳаларга йўналтирилган. Умуман, банк кредит қўйилмалари ҳажми 1 трлн. 389 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошидагига нисбатан 364 млрд. сўмга ёки 135 фоизга ошди. Кредит қўйилмаларининг 851 млрд. сўми ёки 61 фоизидан ортиғи узоқ муддатлидир.




## Дастур ижроси – амалда

Маълумки, бу йил Президентимиз томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниб, шу асосда бажарилиши лозим бўлган ишларни белгилаб берувчи махсус Давлат дастури қабул қилинди. “Агробанк” жамоаси томонидан ҳам ўтган уч ой мобайнида мазкур дастур доирасида муайян ишлар бажарилди.

Жумладан, банк маблағлари ҳисобидан вилоятлар марказларида кўп қаватли тураржойлар қурилишини молиялаштириш орқали ушбу ҳудудлардаги аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш тадбирлари қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, Наманган ва Урганч шаҳарларида 4 та кўп қаватли тураржой бинолари қурилиши учун 9,7 млрд. сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди ва қурилиш ишлари якунланмоқда.

Дастур доирасида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида жорий йил I чорагида тадбиркор аёллар бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 9,3 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва 1702 та иш ўрни ташкил қилинди.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун 2 млрд. 443 млн. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди.

Аҳолининг, жумладан, ёш оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда аҳолига 3,4 млрд. сўм истеъмол кредитлари ажратилиб, шундан маиший техника ва уй-рўзғор буюмлари сотиб олишга 1,8 млрд. сўм ҳамда таълим олиш учун 1,6 млрд. сўм йўналтирилди.

Аҳолига уй-жой сотиб олишга 1,2 млрд. сўм, шу жумладан, ёш оилаларга 508 млн. сўм ипотека кредитлари ажратилди.




## Кичик бизнес доимий эътиборда

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган вақт мобайнида кичик бизнес субъектларига 96,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада 10 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Ажратилган кредитларнинг 55 фоизи ёки 53,2 млрд. сўми узоқ муддатлидир.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга қаратилган умумий қиймати 9,1 млрд. сўмлик 221 лойиҳа молиялаштирилди.

Аҳолининг ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган 38 та лойиҳаси молиялаштиришга 13,2 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ажратилган 5,6 млрд. сўм кредитлар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 1094 тани ташкил этди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш мақсадида 1,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

## Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – давр талаби

Президентимизнинг 2011 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил учун инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 5 та инвестициявий лойиҳани молиялаштириш мақсадида 8,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар эвазига “Шўрчидонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг тегирмон цехи модернизацияланган бўлса, “Дўстликдонмаҳсулотлари”, “Когондонмаҳсулотлари”, “Қувасой цемент” сингари корхоналар ишлаб чиқариш ускуналарини янгилаб олди. “Тошкент агрегат заводи”да янги маҳсулот — “механик лопаталар” ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан 2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 13 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинди ва 1,7 млрд. сўм миқдорида банкротлик жараёни билан боғлиқ навбатдан ташқари тўловлар тўлаб берилди. Банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш мақсадида корхоналарнинг ишлаб чиқариш базасини реконструкция ва модернизация қилиш учун жами 33,7 млрд. сўм инвестиция киритилди. Натижада банкрот корхоналар ўрнида йиллик лойиҳа қуввати 98 млрд. сўмлик ёки 7,8 минг тонна озиқ-овқат ва 905 тонна тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, 55 млн. дц. кв. терини қайта ишловчи ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи янги корхоналар барпо этилиб, 600 дан зиёд маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясининг жорий йил март ойида қабул қилган баёни асосида тасдиқланган дастурга биноан, 32 та корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш орқали уларни молиявий соғломлаштириш ҳамда фаолиятини тиклаш учун 17,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ўзлаштирилмоқда.

Бугунги кунгача фаолияти тикланган корхоналарда 18,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 6,3 млн. АҚШ долларилик қисми экспорт қилинди.



## Ер – ризқ-рўзимиз манбаи

Халқимизда “Ер соз бўлса, машаққат оз бўлади” деган мақол бор. Бу бир жиҳатдан ерни эъзозлаш, ундан унумли фойдаланишга қаратилган бўлса, иккинчидан, деҳқонларни далани мавсумга пухта тайёрлаш ва шу орқали мўл ҳосил олишга ундайди. Дарҳақиқат, ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Унга қанчалик меҳр берилса, унумдорлиги ошиб, пировардида ҳосилдорлик ҳам шунга яраша юқори бўлади. Буни бугунги деҳқону фермерларимиз жуда яхши билишади. “Агробанк” жамоаси уларга бир неча йиллардан буён ушбу йўналишда яқин кўмакдош бўлиб келмоқда. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилаяпти. Гап шундаки, банк томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида белгиланган вазифалар доирасида 9 та “Давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонасига 741,0 млн. сўм кредит ажратилди.

Юртимиз бозорларидан йил бўйи сархил мева ва сабзавотлар аримайди. Бу миришкор деҳқонларимиз меҳнати ва республикамизда озиқ-овқат таъминотини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасидир. “Агробанк”да ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Яъни жорий йилнинг биринчи чорагида айнан шундай мақсадларга 40,2 млрд. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Ишбилармонларнинг чорвачиликдаги 6,1 млрд. сўмлик, паррандачиликдаги 1,9 млрд. сўмлик, балиқчилик ва асаларичиликдаги 661 млн. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Шунингдек, ҳудудларда интенсив боғлар ва токзорларни ташкил этишга 6,2 млрд. сўм, иссиқхоналарни ривожлантиришга 2,7 млрд. сўм, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун 1,5 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Чунки мазкур ҳужжатда қишлоқ жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, аҳолининг деҳқончилик маданиятини юксалтириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда даромадларни ошириш сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Бундай эътибор ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳам оиласига, ҳам маҳалласига наф келтираётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Бунда томорқа муҳим даромад манбаига айланаётгани, айниқса, эътиборга молик. Шу боис банкда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, деҳқончилик учун экин уруғлари, мевали дарахт кўчатлари ҳамда зарур кимёвий воситалар етказиб бериш ишлари тизимли ташкил этилмоқда.

## Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Банк халқаро ташкилотлар билан алоқаларни яхши йўлга қўйган. Хусусан, 10 дан ортиқ хориж давлатларининг 19 та банки билан вакиллик алоқалари ўрнатилган ва улар орқали мижозларга халқаро банк амалиётлари бўйича хизматлар кўрсатилмоқда.

Бугунги кунгача банк томонидан халқаро молия институтларининг умумий миқдори 78 млн. АҚШ доллари ва 2,8 млн. евро миқдоридаги кредит линиялари жалб қилиниб, иқтисодиётнинг турли жабҳаларига йўналтирилганлиги аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг I чорагида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилишни кенгайтириш мақсадида Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) кредит линияси бўйича қўшимча 6 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш юзасидан шартнома имзоланди.

## Аҳолига қулайликлар яратиш йўлида

“Агробанк” томонидан республикамиз аҳолисига сифатли банк хизматлари кўрсатишни кенгайтириш, жумладан, пластик карталар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.




Бунда асосий эътибор республикамизнинг барча ҳудудларида пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш, жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини тўлов терминаллари билан кенг қамраб олишга қаратилди.

Ҳозирги кунда банк томонидан тарқатилган пластик карточкалар сони 1 млн. 814 минг донага етказилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 193 минг донага ёки 112 фоизга кўпайди.

Жумладан, “Иш ҳақи” лойиҳаси доирасида банкда хизмат кўрсатилаётган 17 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда бюджет ташкилотларнинг 1 млн. 451 минг нафар ишчи ва ходимларига пластик карточкалар орқали иш ҳақи тўланиши йўлга қўйилди.




Банкнинг савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 19339 донани ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2424 тага ёки 114 фоизга ошди.

Пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривожлантириш мақсадида банк томонидан 39 та банкомат ва 100 та инфокиоск ўрнатилди ва улар орқали электрон тарзда коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш каби қулайликлар яратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Агробанк” бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳар бир жабҳасини молиялаштириш борасида катта тажриба тўплаган молия муассасаси сифатида республикамиз молия бозорида дадил фаолият юритаётир. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти бундан-да равнақ топишига замин яратмоқда.

**Ш. ВАЛИХОНОВ.**

# Муайтайчиларимизнинг ёрқин ғалабаси

*Кеча пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуаси яна бир нуфузли спорт анжумани — муайтай бўйича “Буюк Ипак йўли” совринни учун халқаро турнирга мезбонлик қилди.*

## Халқаро турнир




Мазкур тадбир Халқаро муайтай федерацияси (IFMA) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида таъкидландики, истиқлол йилларида юртимизда маънан ва жисмонан баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу мақсад йўлида ёшлар ўртасида жисмоний тарбияни оммалаштириш, уларни ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Эзгуликка йўғрилган мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида ўзбекистонлик ёшлар турли халқаро миқёсдаги нуфузли спорт мусобақаларида мунтазам совриндорлар сафидан жой олиб келмоқдалар. Илк бор ташкил этилган “Буюк Ипак йўли” соврини учун халқаро турнирнинг мамлакатимизда ўтказилгани ҳам ана шу ислоҳотларнинг жаҳон миқёсида тан олинганини яна бир карра исботлайди.

Турнир доирасида Таиланд, Малайзия, Россия, Литва ва Бразилия давлатларидан келган кучли спортчиларга қарши энг сара муайтайчиларимиз рейтинг жангларини ўтказдилар. Ватандошимиз Фирдавс Холмуродов эса ўзининг Қитъалараро чемпионлик камарини ҳимоя қилиш учун рингга кўтарилди.

Эътиборли жиҳати, ҳар тўртта жангда ҳам ўзбекистонлик спортчиларнинг ёрқин ғалабаси қайд этилди. Жумладан, Шухрат Ботиров Россия вакили Евгений Макинни, Азиз Назаров таиландлик Чангпуак Ситтермсубни, Саидаҳмад Орипов малайзиялик Чи Жиан Кайни, Юсуф Иброҳимов эса бразилиялик Марсело Теноріони катта устунлик билан мағлубиятга учратди.

Шундан сўнг мусобақанинг марказий жанги ўтказилди. Унда Қитъалараро чемпионлик камари соҳиби Фирдавс Холмуродов ўз унвонини ҳимоя қилиш учун Литва вакили Евгений Кауниетисга қарши рингга чиқди. Жангни ўта шиддатли бошлаган ҳамюртимиз биринчи раунддаёқ рақибини нокаутга учратиб, соф ғалабага эришди. Шу тариқа у ўз унвонини учинчи бор муваффақиятли ҳимоя қилди.

— Юртингизга олдин ҳам бир неча бор келганман, — дейди Халқаро муайтай федерацияси (IFMA) президенти Сакчай Тапсуван. — Шу боис давлатингиз раҳбари томонидан ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга қаратилаётган юксак эътибордан яхши хабардорман. Айниқса, мамлакатингизда барча спорт турлари қатори муайтай ҳам жадал ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол. Масалан, ўтган йили Тошкентда ушбу спорт тури бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионати юқори савияда ўтказилгани мени жуда мамнун этганди. “Буюк Ипак йўли” соврини учун уюштирилган мазкур халқаро турнир ҳақида ҳам шундай фикрдаман. Мусобақада ғалаба қозонган ўзбекистонлик муайтай усталари ва спортсевар ўзбек халқини мазкур муваффақиятлар билан табриклайман.



СУРАТДА: Қитъалараро чемпионлик камари соҳиби Фирдавс Холмуродов.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Тасвирий санъат:**

# Анъана, маҳорат, тажриба

*21 — 25 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда “Ўзбекистон тасвирий санъат+5” ҳафталиги бўлиб ўтади.*

## Ҳафталик

Санъат инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайди, мўъжизавий гўзаллик сари етаклайди. Шу маънода ижтимоий ҳаётимизни санъат ва унинг ривожисиз тасаввур этиш қийин. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида маданият ва санъат, хусусан, тасвирий санъатга алоҳида эътибор берилаётир. Кейинги йилларда кўплаб янги музейлар, санъат кошоналари, галереялар, кўргазма заллари, тасвирий санъатга ихтисослаштирилган таълим даргоҳлари барпо этилганлиги фикримизнинг далилидир.

Маълумки, ўтган йиллар давомида юртимизда тасвирий санъатнинг ўзига хос анъана ва мактаблари, тараққиёт босқичлари ҳамда йўналишларига оид мукаммал тизим яратилди. Бунда Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳам муносиб ўрни бор. Жорий йилнинг 21 — 25 апрель кунлари пойтахтимиз, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ташкил этилаётган ва ўзига хос санъат байрами ҳисобланган “Ўзбекистон тасвирий санъат+5” ҳафталиги ҳам ана шу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Бундан асосий мақсад, санъат ихлосмандларини юртимиздаги бадиий жараёнлар, янгиликлардан хабардор этиш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, моҳир мусаввирларнинг маҳорат сабоқларидан ёшларни баҳраманд этиш имкониятини яратишдир.

Ўн икки йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу санъат байрамида рангтасвир, ҳайкалтарошлик, умуман олганда, замонавий санъатнинг барча йўналишларида фаолият кўрсатаётган кўплаб ёш ижодкорлар кашф этилди. Бугунги кунда улар мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ташкил этилаётган йирик санъат анжуманлари, кўргазма ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда тегишли вазирлик, идоралар ҳамкорлигида ташкил этилаётган санъат ҳафталигига Япония, Украина, Туркманистон, Жанубий Корея сингари бир қатор давлатлардан ижодкорлар иштирок этиш истагини билдиришган. Иштирокчилар беш кун давомида мамлакатимизда кечаётган ижодий жараёнлардан хабардор бўлиш билан бирга, устоз санъаткорлар ва ёш ижодкорларнинг ранг тасвир, ҳайкалтарошлик, дизайн, миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат, миниатюра, графика санъати йўналишидаги асарлари билан яқиндан танишадилар. Ҳафталик давомида республикамиздаги санъатга ихтисослаштирилган олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб-интернатларнинг иқтидорли ёшлари ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

Ушбу ҳафталикда бадиий кўргазмалар, маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар ўтказилиши, миллий либослар кўриги, шунингдек, ўзбек тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз мусаввирлар, қўли гул уста ва ҳунармандлар ҳаётига оид теле ва ҳужжатли фильмлар намойиши ҳам дастурга киритилган. Мазкур тадбир ёш ижодкорларнинг бадиий дидини ўстириш, маънавий дунёқарашини янада кенгайтиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, уларга билдирилаётган ишонч ва ўзига хос рағбат ҳамдир.

Зеро, ёш ижодкорларнинг санъат ҳафталигидаги иштироки уларнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**Акмал НУРИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми.**

**• Реклама ва эълонлар •**


«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MChJ

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**

*Унда шошилиб таваккал қилманг.*

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

*Лицензия: RR-0001.*

*Унутманг!*

***«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.***

*Мурожаат қилинг ва барака топинг!*

563R/1441



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР**, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



UZTELECOM

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

*Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!*

Телефон рақамларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида **шошилинч ва маълумотлар хизматларига чиқиш алоқасига янги тартиб киритилди.**

Аввалги тартиб 01, 02, 03, 04, ..., 0xx икки ой давомида амал қилади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| «01» | (ёнғин хавфсизлиги хизмати) | — | «101» |
| «02» | (милиция) | — | «102» |
| «03» | (тез тиббий ёрдам) | — | «103» |
| «04» | (газ хизмати) | — | «104» |
| «050» | (қутқарув хизмати) | — | «1050» |
| «0xx» | (бошқа хизматлар) | — | «10xx» |

**Маълумот олиш учун телефон: 200-31-31.**

621R/277



**МЧЖ шаклидаги**

**«TO`RAQO`RG`ON SHIRINLIK AGRO»**

**агрофирма қўшма корхонаси кредиторлари диққатига!**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TO'RAQO'RG'ON SHIRINLIK AGRO» агрофирма қўшма корхонаси Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган бўлиб, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 5 январда 49-сон билан рўйхатга олинган.

***Агрофирма таъсисчиларининг 2012 йил 12 апрелдаги 4-сонли йиғилиш баёни қарорига асосан, агрофирма устав фонди 6 113 094 165,94 сўмдан 2 208 179 395,57 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.***

*Эътирозлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:*

**Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уй.**
**Телефон: (8-369) 442-24-80.**

619A474



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02



УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН

*Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.*

**IP-камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения**

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Удаленный просмотр и управление камерами через Интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудиосвязи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4 000 камер и более.

Товар сертифицирован

**238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz**

344R/


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси кекса ходим
**Валерий Маркович КНОПОВнинг**
вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси раҳбарияти ва касаба уюшмаси Маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор Наим Ҳалимович Обломурадовга укаси
**Ҳаким Ҳалимович ОБЛОМУРАДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари ижодий жамоаси таҳририят ходими Акром Ҳошимовга волидаи муҳтарамаси
**БАХМОЛ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси етакчи илмий ходим, филология фанлари доктори Жаббор Эшонқуловга рафиқаси
**ОЙИСТАХОНнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ОБ-ҲАВО

(17 апрель)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +12 +17 | +30 +35 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +12 +17 | +30 +35 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +10 +15 | +28 +33 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +13 +18 | +28 +33 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Тошкент шаҳрида | +12 +14 | +29 +31 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5